

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.

*Тўлаганова Мухлиса Абдуманнон қизи ва
Таджиева Камола Йўлдош қизи
Менежмент ва замонавий технологиялар
университети Психология-филология
факултети Пс-23,3-гуруҳ талабалари*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантириш масаласи, унинг мамлакат тараққиётидаги стратегик аҳамияти ва ривожлантириш концепцияси таҳлил қилинади. Таълим сифати ва самарадорлиги мамлакатнинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини белгилайди. Мақолада мактаб, олий ва профессионал таълим соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, рақамлаштириш ва инновацион технологияларни жорий этиш, дуал таълим тизими ҳамда тарбия масаласи концептуал жиҳатдан муҳокама қилинган.

Калитли сўзлар: таълим тизими, таълим сиёсати, таълим сифати, ислохотлар, олий таълим, профессионал таълим, рақамлаштириш, инновацион технологиялар, тарбия, дуал таълим, концептуал ёндашувлар.

Аннотация: В статье анализируются вопросы развития системы образования в Республике Узбекистан, её стратегическая значимость для развития страны и концептуальные основы модернизации. Качество и эффективность образования определяют интеллектуальный, экономический и духовный потенциал нации. В статье концептуально рассматриваются реформы, проводимые в сфере школьного, высшего и профессионального образования, внедрение цифровизации и инновационных технологий, дуальная система образования, а также вопросы воспитания и нравственного образования.

Ключевые слова: Система образования, политика в сфере образования, качество образования, реформы, высшее образование, профессиональное образование, цифровизация, инновационные технологии, воспитание, дуальное образование, концептуальные подходы.

Annotation: The article analyzes the issues of developing the education system in the Republic of Uzbekistan, its strategic importance for the country's development, and the conceptual framework for its advancement. The quality and effectiveness of education determine the intellectual, economic, and spiritual potential of the nation. The article conceptually examines reforms being implemented in the school, higher, and vocational education sectors, the introduction of digitalization and innovative

technologies, the dual education system, as well as the role of upbringing and moral education.

Key words: Education system, education policy, quality of education, reforms, higher education, vocational education, digitalization, innovative technologies, upbringing, dual education, conceptual approaches.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантириш масаласи мамлакат тараққиётининг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Жамиятнинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳияти аввало таълим сифати ва унинг самарадорлиги билан белгиланади. Шу маънода, мустақиллик йилларидан бошлаб Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида таълим соҳасига нисбатан концептуал ёндашувлар шаклланиб, таълимни модернизация қилиш, уни халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз асарлари ва нутқларида таълимни мамлакат келажагини белгилайдиган энг муҳим омил сифатида таъкидлаб, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилмасдан туриб жамиятда барқарор тараққиётга эришиб бўлмаслигини алоҳида қайд этади¹. Бу гоё таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал асосини ташкил этади. Таълимни ривожлантириш инсонга киритилган сармоя узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий самара беради.

Ўзбекистонда таълим сиёсати миллий қонунчилик, стратегик дастурлар ва президент фармонлари асосида амалга оширилади. “Таълим тўғрисида”ги Қонуни² таълим тизимини тубдан янгилашга хизмат қилган муҳим ҳужжатлардан ҳисобланади. Ушбу қонунда узлуксиз таълим, шахс манфаатлари, жамият эҳтиёжлари ва давлат буюртмаси ўртасидаги уйғунлик таъминланган.

Сўнгги йилларда таълим тизимини ривожлантиришда сифат масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб таълими, олий таълим ва профессионал таълим ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш концептуал аҳамият касб этмоқда. Мактаб таълимида ўқув дастурларини янгилаш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мақомини ошириш, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш таълим сифатини оширишга қаратилган муҳим чоралардир. Президент Мирзиёев таъкидлаганидек, “Иқтисодиёт ривожланиши, юртимиз ва фарзандларимиз келажаги фақат ва фақат таълим ва муаллимга боғлиқ. Сизлар

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. <https://library.tdau.uz/uz/books/1620>.

² Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни. <https://lex.uz/en/docs/5013007>

билан иш бошлаган биринчи кундан айтаман: таълим, таълим, таълим, муаллим, муаллим, муаллим”³.

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам таълимни ривожлантириш концепциясининг муҳим қисми ҳисобланади. Олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш, қабул квоталарини ошириш, хорижий университетлар филиалларини очиш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсад қилинган. Илм-фан ва таълим интеграцияси, инновацион фаолиятни ривожлантириш, ёшларни илмий тадқиқотларга жалб этиш замонавий таълим сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Профессional таълим ва касб-ҳунар тайёргарлиги меҳнат бозори талабларига мослаштирилмоқда. Дуал таълим тизимининг жорий этилиши ёшларни амалиёт билан уйғун билим олишига хизмат қилмоқда. Президент асарларида таъкидланганидек, ёшларни касбга ўқитиш ва меҳнатга тайёрлаш ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир⁴.

Таълим тизимини ривожлантиришда рақамлаштириш ва инновацион технологиялар алоҳида ўрин тутди. Масофавий таълим, электрон платформалар, рақамли ресурслар таълим жараёни самарадорлигини ошириш билан бирга, таълимдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтirmoқда. Ўзбекистонда рақамли таълим концепциясининг жорий этилиши таълимни замонавий талабларга мослаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, таълим тизимида тарбия масаласи ҳам концептуал аҳамиятга эга. Таълим ва тарбияни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган тарбия ёш авлоднинг маънавий баркамоллигини таъминлайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал асослари инсон капиталига инвестиция киритиш, таълим сифатини ошириш, инновацион ва рақамли ёндашувларни жорий этиш ҳамда таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлашга қаратилган. Президент асарлари ва давлат стратегияларида белгилаб берилган вазифалар таълим соҳасини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Таълимга қаратилган ҳар бир ислохот мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва келажак авлод фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган.

АДАБИЁТЛАР:

³ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида. <https://iibb.uz/uz/news/prezident-avkat-mirzиеv007>

⁴ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида. <https://iibb.uz/uz/news/prezident-avkat-mirzиеv007>

1. Xaydarov. S.A.(2026). Pedagogik risklarni boshqarishda globallashuv jarayonlarning ahamiyati. International scientific journal. Interpretation and researches. 1(73).
2. Xaydarov. S.A. (2026). Pedagogik risklarni boshqarishning nazariy asoslari va globallashuv jarayonidagi ahamiyati. NEW RENAISSANCE international scientific journal. 3(1). 159-164.
3. Хайдаров С. (2025). Оилаларда фарзанд тарбиясига рухий таъсир ўтказиш. Modern Education and Development. 3 (17). 23-27.
4. Khaydarov S.A. (2025). The role of the use of fine arts in teaching the history of the country. Modern Education and Development. 3 (17). 28-33.
5. Xaydarov S.A. (2025). Ijtimoiy-gumanitar fanlarda raqamli metodlardan foydalanish yo'llari. NEW RENAISSANCE international scientific journal. 2(1). 91-94.
6. Xaydarov S.A. (2025). Yoshlarda vatanparvarlik hissinini tarbiyalashda Boburnoma asariga ishlangan miniatyuralarning ahamiyati. Til va adabiyot.uz. 2.11-12.
7. Khaydarov S.A. (2025). On analysis of family factors and social creativity issues in the study of the psychological portrait of educational institutions' leaders. Tuijin Jishu/Journal of Propulsion Technology ISSN: 1001-4055 Vol. 46 No. 2.
8. Xaydarov S.A. (2025). Pedagogik risklarni boshqarishning nazariy asoslari va globallashuv jarayonidagi ahamiyati. 3 (9). 261-265.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>.
10. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. <https://library.tdau.uz/uz/books/1620>.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни. <https://lex.uz/en/docs/5013007>.
12. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишда. <https://iibb.uz/uz/news/prezident-avkat-mirzиеev007>